

COVID-19 ИНФЕКЦИЯСИДА БУЙРАК УСТИ БЕЗ ПЎСТЛОҚ ҚАВАТИ ТАШҚИ ПАРДАСИ ВА КАПТОКЧАЛИ МАЙДОНЛАРИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

Исраилов Ражаббой Исраилович

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тошкент тиббиёт
академияси профессори, тиббиёт фанлари доктори

Нажмиддинова Нилуфар Нуралиевна

Тошкент тиббиёт академияси таянч докторанти

Аннотация

COVID-19-дан ўлганлар буйрак усти без пўстлоқ қаватининг ташқи пардаси ва каптокчали майдонларида кучли интерстициал шиш ва деструкция ривожланган. COVID-19 касаллигида SARS-CoV-2 вируси таъсирида дастлаб ташқи парда таркибидаги артерия ва артериолаларнинг фибриноид бўкишга, айримлари тромбозга учраши, натижада без паренхимасига кириб борадиган қон томирларда ўткир дисциркуляция ривожланиши, оралиқ тўқиманинг шикастланиши оқибатида нордон гликозамингликанлар тўпланиб, тўқиманинг гидратацияга ва шишга учраши кузатилади.

Калит сўзлар: COVID-19, буйрак усти бези, пўстлоқ қавати, устунли майдон, фибриноид некроз, тромбоз, инфаркт.

Янги туғилган чақалоқларда буйрак усти безлари калин бириктирувчи тўқима капсуласи билан қопланган бўлиб, унда адипоцитлар оролчалари устунлик қилади. Унинг калинлиги $70,11 \pm 6,605$ мкм. Капсула таркибида кўп сонли томирлар мавжуд. Кекса одамларда (55-60 ёш) капсуланинг қалинлиги $9,03 \pm 1,758$ мкм ташкил қилади, аёлларда эса унинг толалилиги эркактарникига қараганда анча паст. Узок умр кўрувчиларда (85-95 ёш) буйрак усти бези капсуласи қалинлиги 2,65 марта ошади ва $23,86 \pm 2,345$ мкм ни ташкил қилади.

COVID-19 касаллигида SARS-CoV-2 вируси таъсирида дастлаб ташқи парда таркибидаги артерия ва артериолаларнинг фибриноид бўкишга, айримлари тромбозга учраши, натижада без паренхимасига кириб борадиган қон томирларда ўткир дисциркуляция ривожланиши, оралиқ тўқиманинг шикастланиши оқибатида нордон гликозамингликанлар тўпланиб, тўқиманинг гидратацияга ва шишга учраши кузатилади. Нордон гликозамингликанлар тўпланганлигини аниқлаш мақсадида тўқима кесмасини альциан кўки билан бўялганда нордонлашган интерстициал тўқима тўқ кўкга бўялганлиги ва бу жараён ташқи парда, парда ости каптокчали майдон интерстициал тўқимасининг мусбат кўринишда бўялиши билан намоён бўлди.

COVID-19 инфекциясида буйрак усти беги пўстлок қавати каптокчали майдонида кучли дисциркуляция ва интерстициал шиш ривожланган. COVID-19 инфекцияси таъсирида буйрак усти беги ташқи пардасидаги артерия ва артериолаларда бошланган дисциркуляция жараёни без тўқимаси ичига кириб тарқаб борган сари устунли майдон оралиқ тўқимасидаги капиллярлар кенгайиб, қон билан тўлиб, унинг тўрли қават чегарасида қон томирларнинг ёрилиши, массив ҳолда оралиқ тўқима ва без паренхимасига қон қуйилганлиги аниқланади. Қуйилган қон оралиқ тўқимани тўлиқ эгаллаб, паренхиматоз ҳужайраларнинг титилишига, бетартиб жойланишига, айрим ҳужайраларнинг деструкцияланиб, некрозланишига олиб келганлиги кузатилади. Қолган паренхиматоз ҳужайралар алоҳида тўпламлар пайдо қилиб жойлашганлиги ва уларнинг орасида қайта регенерацияга учраган ҳужайралар пайдо бўлганлиги аниқланади.

COVID-19 инфекцияси таъсирида буйрак усти без тўқимасида ривожланган ва ҳар хил механизмлар оқибатида вужудга келган паренхиматоз ҳужайраларининг некробиози ва некрозланиш ўчоқлари оралиқ тўқимасида лимфо-гистиоцитар ҳужайраларнинг фаоллашувидан ва репаратив регенерация жараёнининг авж олишидан диффуз ҳолда макрофагал ва бошқа гистиоцитар ҳужайралар, ҳамда лимфоид ҳужайралар билан диффуз ҳолда инфильтрацияланганлиги аниқланади. Қон қуйилиб, некрозланган ўчоқларда эритроцитлар парчаланишидан макрофаглар фагоцитозлашидан гемоглобиноген пигментлар пайдо бўлиши кузатилади. Без паренхимасининг инфарктга учраган майдонларида макрофаглар ва бошқа гистиоцитар ҳужайралар томонидан некроз массани емириб, парчалаб йўқ қилинаётган жараёни кузатилади. Натижада некроз ўчоғи тўлиқ ҳолда ва диффуз даражада макрофаглар, гистиоцитар ҳужайралар ва лимфоцитлар билан инфильтрацияланганлиги аниқланади. Ушбу инфильтрат таркибида сақланиб қолган паренхиматоз ҳужайралар қайта регенерацияга учраб, морфологик жиҳатдан турли кўринишга кирганлиги, яъни айримлари гипертрофияланиб, йириклашганлиги, бошқалари атрофияланиб, майдалашганлиги аниқланади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, COVID-19-дан ўлганлар буйрак усти без пўстлок қаватининг ташқи пардаси ва каптокчали майдонларида кучли интерстициал шиш ва деструкция ривожланади.

Адабиётлар

1. Гриневич В. Б. и др. Особенности ведения коморбидных пациентов в период пандемии новой коронавирусной инфекции (COVID-19). Национальный Консенсус 2020. Кардиоваскулярная терапия и профилактика. 2020;19(4):2630. doi:10.15829/1728-8800-2020-2630

2. Должанская Н.А., Бузина Т.С., Клименко Т.В. ВИЧ-инфекция, вирусные гепатиты, COVID-19 и проблемы их профилактики в наркологии. аспекты соматической коморбидности в наркологии. № 5. С.5-20. 2020
3. Шлемская В.В., Хатеев А.В., Просин В.И., Суранова Т.Г. Новая коронавирусная инфекция COVID-19: краткая характеристика и меры по противодействию ее распространению в Российской Федерации // Медицина катастроф. 2020. №1. С. 57–61.
4. Withel S. F., Azziz R. Nonclassic Congenital Adrenal Hyperplasia // Int J Pediatr Endocrinol. 2010; 2010: 625105. Published online 2010 Jun 30.
5. Merke D. P., Poppas D. P. Management of adolescents with congenital adrenal hyperplasia // Lancet Diabetes Endocrinol. 2013, 1 (4): 341–352.
6. Ferrario CM, Jessup J, Chappell MC, et al. Effect of angiotensin- converting enzyme inhibition and angiotensin II receptor blockers on cardiac angiotensin-converting enzyme 2. Circulation. 2005;111(20):2605-10. doi:10.1161/CIRCULATIONAHA.104.510461.
7. Hoffmann M, Kleine-Weber H, Krüger N, et al. The novel coronavirus 2019 (2019-nCoV) uses the SARS-coronavirus receptor ACE2 and the cellular protease TMPRSS2 for entry into target cells. BioRxiv. 2020. 2020.01.31.929042. doi:10.1101/2020.01.31.929042.